O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 1 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 85 (7280)

Da'vat

Одамнинг улуғлиги бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғворлиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди; ягона ўлчов унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир.

Виктор ГЮГО

Ibrat

"Зафко" Ўзбекистон - Покистон қўшма корхонаси томонидан Китоб туманидаги 5-"Меҳрибонлик уйи"га 100 минг сўмлик кийим-кечак ва китоблар туҳфа этилди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 октябрь куни Оқсаройда Японияннинг "Мицуи" корпорацияси катта маслаҳатчиси, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси Наохико Кумагаи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон делегацияси аъзолари Наманган вилоятига ташриф буюришди.

• Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси, Ёшлар ишлари қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг қўшма йиғилишида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуннинг Сирдарё, Навоий вилоятларида ижро этилиши масаласи муҳокама қилинди.

• Республика Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг йиғилиши бўлди.

• 30 октябрь куни Қирғизистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Сулаймон Имонбоев эълон қилган дастлабки маълумотларга кўра, амалдаги давлат раҳбари Асқар Акаев сайловчилардан 73,4 фоизининг овозини олиб, мутлоқ ғалаба қозонган.

• АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий самолётлари Ироқ жанубига навбатдаги ҳаво зарбаларини берди.

• Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Батуми ҳудудида ҳалокатга учраган Россия ҳарбий самолётининг қутқарув ишлари олиб борилаётган пайтида яқиндан ёрдам кўрсатган Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзега миннатдорчилик билдирди.

• Филиппинда юз берган тўфон оқибатида камида 15 киши ҳалок бўлди, икки юздан ортиқ киши жароҳатланди.

УЙҒУНЛИК ТАЛАБИ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Istiqlol ma'rifati

Миллий истиқлол ғояси тизим сифатида белгилаб олингач, унинг асосий тушунча ва тамойиллари аниқлангач, ҳозирги кунда мафкуравий соҳадаги энг долзарб вазифа уларни ёшлар ва аҳоли орасида кенг тарғиб этишдир.

Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига мос тарзда тарғибот тамойилларини белгилаб олиш мафкуравий тадбирлар самарадорлигининг муҳим омилларидандир. Бу борада тарғиботнинг ёшлар ва аҳоли турли қатламлари ёши, касби, маълумоти ва руҳий хусусиятларига мос бўлиши талаб этилади. Таълим тизимининг турли босқичларида шунга амал қилинса, миллий истиқлол ғояси ўқувчи-ёшлар ва талабалар онгига тезроқ етиб боради. Шу боис ҳам таълим тизимининг турли босқичларида миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш бўйича асосий вазифаларни белгилаб олиш биринчи даражали аҳамият касб этди.

Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш бешиқдан бошланиши керак. Она алласи миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкуранинг дастлабки, содда шаклидир. Зеро, унда аёл, оила ва халқнинг орзу-умидлари, истаклари акс этган. Миллий ғоя эса шу миллат, шу халқнинг орзу-умидлари ва мақсадларидир. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам оила ва миллат, халқ мақсадлари ўртасида ҳаётий яқинлик борлигини, тарғибот жараёнида уларни янада жипслаштириш мумкинлигини кўрсатади.

Оила бола қалбига сингдирилган миллий истиқлол ғоясининг дастлабки куртаклари мактабгача таълим масканларида авайлаб парваришланиши керак. Болалар боғчасида тарбияланувчилар илк бор шеърларни ёд оладилар, қўшиқ ижро этадилар. Аксарият ҳолларда бу шеър ва қўшиқлар киши хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади. Айни жараён боғчада тарбияланувчиларга ёдлатиш ва ижро эттириш учун шеър ҳамда қўшиқ танлашга алоҳида талабчанлик билан ёндошиш талаб этилади. Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурага уйғунлик уларга қўйиладиган асосий талабларнинг бири бўлса, иккинчиси, уларнинг бадиий юксаклиги, тарбияланувчи ёшига, руҳиятига мослигидир. Тарбиянинг бошқа шакл ва усуллари қўлланганда ҳам боғча болаларига миллий истиқлол ғоясини сингдириб бориш зарурдир.

Ёш авлоднинг онгида шаклана бошлаган миллий истиқлол ғоясининг куртаклари умумтаълим мактабида барг ёзади, ниҳолга айланади. Бу босқичда миллий мафкура ўқувчилар онгида тизим сифатида шаклланишига эришмоқ лозим. Бунинг учун эса мактабда ўқитилаётган барча фанларнинг ўқув дастурига миллий ғоя сингдирилиши керак. Зеро, мактабда ўқитиладиган фанларнинг шаклланиши ва ривожланишида аждодларимиз катта ҳисса қўшганлар. Математика, физика, астрономия, ботаника, зоология, георафия, кимё, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, ҳаттоки, мусиқа ва чизмачилик каби фанларнинг юзага келишида юртимизда етишиб чиққан олимлар хизмати улкандир. Ўқувчилар қалбида аллома аждодларимиз билан фахрланиш ҳиссини уйғотиб, уларга муносиб фарзанд бўлишга интилиш туйғусини шакллантириш лозим. Бунинг учун ўқув режасига киритилган барча фанлардаги ҳар бир мавзуни ёритишда аждодларимизнинг шу муаммони ечишга қўшган ҳиссасини далиллар, қиёслар ёрдамида кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта махсус таълим тизимида миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурани тарғиб қилиш умумтаълим мактабларининг юқори синфларида шу йўналишда олиб бориладиган иш билан жуда кўп умумийликларга эга. Шу билан бирга, ўрта махсус таълим тизимида ўзига хос хусусиятлар ҳам бор. Бу ўқув юртларида ёшлар институт ва университетларда ўқишни давом эттириш ва мустақил меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўрадилар.

(Давоми 2-бетда)

"ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ"

Шу йилнинг март ойида республикамизнинг бир қатор иқтидорли, изланувчан, зукко, оқила ва доно қизлари Президентимиз фармони билан таъсис этилган Зулфия мукофоти совриндорлари бўлишди.

Шу кунларда ҳам жойларда Зулфия мукофотига номзодлар аниқланмоқда. Шу муносабат билан Тошкент шаҳрида ўқувчи-қизлар ўртасида "Зулфияхоним қизлари" номли кўрик-танлов бошлаб юборилди.

Бу кўрик-танлов 3 босқичда ўтказилади. Ёш ўқитувчилар ва ўқувчи-қизлар ўртасида энг яхши ижодкор, шоира, раққоса, қўшиқчи, бадиий ҳунарманд, рассом, хуллас энг оқила ва зукко, ақлли, доно, билимдон қизни аниқлаш мақсадида ўтказилаётган ушбу кўрик-танловни Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани бошлаб берди. Тумандаги 36 та мактаб қизлари ўртасида саралаш босқичлари бўлиб ўтди. 3-босқич якунига кўра ғолиб топилган 21 нафар қизлар 119-мактабда яна ўз иқтидори ва истеъдодларини намойиш этишди.

Қизлар ўзларидаги бор қобилият ва иқтидорни: ўз ижод намуналари бўлган шеърларидан ўқиб, товусдек хиром айлаб, ўзлари яратган рассомлик намуналарини ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва томошабинларга тақдим этиб олқишларга сазовор бўлдилар.

Қизиқарли ва мароқли ўтган беллашувларда 249-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Г. Мусажонова биринчи ўрин, 191-мактаб 8-синф ўқувчиси Юлия Кутовая тасвирий санъат ишлари учун иккинчи ўрин, 1-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Дилбар Юнусова , 234-мактаб ўқувчиси Умида Абдуқодирова, 15-мактаб ўқувчиси Марина Григорян бадиий ҳунармандчилик ишлари учун учинчи ўрин сохиблари бўлишди.

Беллашув ғолибаси Г. Мусажонова шаҳар кўригида қатнашиш учун йўлланма олди.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Istiqlol ilhomlari

ВАТАНИМ

Аждодларга муносиб ворис бўлолсам,
Халқим, сенга холис хизмат қилолсам.
Юртим, равнақингга ҳисса қўшолсам,
Мадҳинга шеър битиб тошиб, жўшолсам,
Мени чин фарзанд деб бил, она-Ватаним.

"Бойлигим-билим" — дея жаҳон кезолсам,
Кераксиз сўзлардан умид узолсам,
Ҳаёт кемасида мағрур сузолсам,
Ўзбеклигим, дунёга кўз-кўз қилолсам,
Мени чин фарзанд деб бил, она-Ватаним.

Озод, ҳур, Мустақил диёр,
Алпомишинг бағрингда бисёр.
Ҳурлигинг муборак, тилларда алёр,
Кўз тегмасин аждодлар руҳи бўлсин ёр,
Мени чин фарзанд деб бил, она-Ватаним.

Наргиза БЕГИМҚУЛОВА,
ТошДавТИ талабаси

"ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ, СЕНИ — ЎЗБЕКИСТОН!"

Ватан, сенинг номинг атасак,
Кечалар ҳам бўлади кундуз.
Қалбимизнинг қаъри-қаъридан
Ватан... деган сўз келар сўнгсиз.
Қолмаса ҳам томирларда қон,
Чиқса ҳамки танимиздан жон,
«Ҳеч кимга бермаймиз, сени — Ўзбекистон!»

Озодликнинг таъмини тотган,
Ўз юртида ҳур яшаётган,
Бахти учун курашаётган,
Халқинг бугун ўзлигин топган.
Қолмаса ҳам томирларда қон,
Чиқса ҳамки танимиздан жон
«Ҳеч кимга бермаймиз, сени — Ўзбекистон!»

Ғанимларинг сенга қазган чоҳ,
Ўзларига айлагай насиб.
Ватанфуруш нонкўрлар эса
Ўз юртидан бўлар бенасиб.
Қолмаса ҳам томирларда қон,
Чиқса ҳамки танимиздан жон
«Ҳеч кимга бермаймиз, сени — Ўзбекистон!»

Ҳалима САМАНОВА,
Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР – ХАЛҚАРО КЎРИК ҒОЛИБЛАРИ

Навоий вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида истеъдодли ўқувчилар тарбияланади. Уларга тажрибали ўқитувчилар, қўли гул ҳунармандлар ва ганчкорлар сабоқ бермоқда. Чехиянинг Медеци шаҳрида бўлиб ўтган XXVII болалар санъати кўргазмасида лицей-интернатнинг олти нафар ўқувчиси фахрли дипломлар билан тақдирланди. Шерзод Чориев, Бунёд Асадов, Беҳзод Чориев, Жонибек Каримов, Эркин Бозоров, Бобир Қодиров каби ўқувчи ёшларнинг "Ҳазрати Али қиссаси ва туятош", "Тоштарошлар", "Кураш", "Бобур санъаткорлар даврасида", "Менинг бобом кулол", "Менинг Чори бобом", "Невара бешик", "Бобо ва невара" сингари асарлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Шунингдек, АҚШда ўтказилган "Болалар санъати-2000" кўргазмасида 22 нафар, Миср Араб Республикасида 5 нафар, Туркияда 6 нафар, Японияда ўтказилган кўргазмада эса 3 нафар ўқувчининг ижодий асарлари фахрли ўринларга сазовор бўлди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

Сизнинг нашрингиз, ҳаммаслагингиз —

Ma'rifat

газетасига

2001 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Нашр индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150

СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу йил 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12 нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёнлари бошланди. Суд мажлиси Олий суд раиси ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигида, давлат айбловини қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Э.Қудратов ва судланувчиларни ҳимоя қилиш учун бир неча адвокатлар иштирокида бўлиб ўтаяпти. Суд очиқ тартибда олиб борилаётгани боис, унда маҳаллий ҳамда қатор чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, республикамиздаги элчихоналарнинг масъул ходимлари қатнашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу жиноий иш юзасидан судланаётган 9 нафар айбланувчи — Йўлдошев Тоҳир, Ҳожиев Жумабой, Мадаминов Салай, Козиев Муродилла, Бобожонов Улуғбек, Раҳмонов Ҳомиджон, Каримов Шавкат, Жамолов Нажмиддин ва Умаров Йўлдош ўта оғир жиноятларни содир этиб, тергов ва суддан яширинганлар. Тергов натижалари ва жиноят ишини судда кўриш вақти халқаро миқёсда оммавий ахборот воситалари орқали ўзбек, рус ва инглиз тилларида эълон қилиниб, юқоридаги шахслар судда иштирок этишлари ҳамда амалдаги қонунларда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкинлиги билдирилган бўлса-да, улар адолатли жараёндан қочганлар.

Суд мажлисида айбланувчилар иштирокисиз жиноий ишни кўриб, ҳақиқатни аниқлашда монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Мазкур иш бўйича жами 763 нафар жабрланувчиларнинг 650 нафари уларнинг иштирокисиз суд жараёнларини бошлашни сўраб, судга ариза билан мурожаат қилган.

Шундай қилиб, айбланувчилар Абдувоҳидов Олимжон, Шукуров Усмон ва Маҳмудов Улуғбеклар иштирокида суд жараёнлари бошланди.

Ўзбек халқи ўз ҳукмини ўқиб бўлган. Ушбу жиноий иш юзасидан ҳар ким ўз айбига яраша жазо олиши эса, одил суд хулосаларидан аён бўлади.

ҚАТТИҚ ҲАЯЖОН ВАҚТИДА

руҳий зўриқишни йўқотиш учун эскироқ идишни синдиринг, деб маслаҳат беришмоқда венгриялик руҳшунослар. Ҳатто бир қанча давлатларда махсус клублар мавжуд бўлиб, бу ерга қаттиқ ҳаяжонланган кишилар келиб, ажратилган ликопчаларни синдиришади ва жаҳлларини босишади. Кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра эса инсон учун зўриқиш вақтидаги энг яхши ҳимоя воситаси йиғидир.

ИЛК ТАРБИЯ

Мутахассисларнинг фикрича, бўлажак оналар ҳали туғилмаган болалари билан гаплашиб турмоғи, қўшиқлар айтиб бермоғи ва бирга мусиқа тингламоғи лозим. Оҳанг ҳомиланинг эндокрин ва қон-томир системасига, ақлий қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда организмини соғломлаштиради. Бу борада, айниқса, енгил, ёқимли ва қувноқ мусиқа маъқул келади.

Ўқитувчи ён дафтарига

КЕСКИН ТАФОВУТ

Аниқланишича, ҳозирда дунё халқлари ичида Кения, Руанда, Иордания, Ироқ, Оман, Яман, Сурия, Саудия Арабистони, Афғонистон, Покистон, Бангладеш сингари мамлакатлар туғилиш даражаси бўйича пешқадам бўлиб турибди. Ушбу мамлакатларда бир йилда ҳар минг киши ҳисобига, ўртача 50-60 нафар бола туғилгани ҳолда, Германия, Италия, Австрия, Дания, Бельгия, Япония, Гонконг каби мамлакатларда туғилиш йилига ҳар минг киши ҳисобига атиги 4-5 нафарни ташкил этмоқда.

ТАДҚИҚОТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

АҚШнинг Калифорния университети ва Теннесси штатидаги атом лабораториясининг бир гуруҳ мутахассислари бир тадқиқот устида иш олиб боришмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, улар яшил сув ўтидан ёнилғи олиш устида ишлашмоқда. Олимларнинг умид қилишларича, "ботқоқликларда сузиб юрувчи хазина" келажакда автомобилларни ҳаракатга келтирувчи асосий манбалардан бирига айланса, ажаб эмас.

Кичик ёшдаги ўқувчилар аввал ўйинга қизиқса, кейинчалик ўйин билан алоқадор машғулотларга қизиқа бошлайди. Энди ўнда ўрганиш, эслаб қолиш, татбиқ қилиш ҳисси пайдо бўлади.

Беш кун давом этган семинар-тренинг "Мактабни самарали бошқариш" мавзусида ўтди.

Kasb-hunar kollejlarida

ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Кейинги пайтларда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, жойларда кўплаб академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари очилаётгани барчамизга маълум.

Ана шундай таълим муассасаларидан бири, шу йилдан фаолият кўрсата бошлаган Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидир. 1230 нафар талабани ўз бағрига олган бу касб-ҳунар коллежининг бугунги ҳаёти ва келажакдаги режалари ҳақида коллеж директори Набижон Бойбобоев бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Коллежни замонавий талабларга жавоб берадиган даражада қуриб битказиш, устахона, спорт зали ва стадион, ошхона, 200 ўринли талабалар уйини ишга тушириш учун жами 250 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди. Бу нарса коллежда таълим сифатини юқори даражага етказа олиш имкониятини ва айни пайтда юксак масъулиятни ҳам англатади.

Талабаларга мукаммалроқ билим бериш мақсадида Наманган муҳандислик педагогика институтидан фан номзодлари ва фан докторларини жалб қилганмиз. Талабаларнинг билими махсус ишлаб чиқилган Низом асосида рейтинг тизимида назорат қилинади. 18000 дан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхонамизни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинган жорий йилда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Шу маънода нафақат вилоят, балки республика миқёсидаги спорт мусобақаларини ўтказа олиш имкониятига эга бўлган, барча спорт анжомлари билан жиҳозланган янги спорт залимиз ва стадионимиз муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзимизни маблағ билан таъминлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Жумладан, коллежда пуллик ўқитишга асосланган Бизнес бўлими, "Машина-трактор парки"миз, 20 га яқин тажриба участкамиз бор. Хўжаликларга пуллик хизмат кўрсатамиз. Мана шулар ҳисобига олаётган даромаддан ёрдамга муҳтож талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, ўқув анжомлари, дарсликлар, кўргазмали қуроллар, компьютер технологиялари ва бошқа коллеж учун керакли бўлган нарсалар сотиб олишда фойдаланмоқдамиз.

Хуршид СУЛТОНОВ

УЙҒУНЛИК ТАЛАБИ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юқори синф ўқувчилари ва коллеж талабалари орасида олиб бориладиган мафкуравий ишда умумийлик тағин шунда ҳам кўринадики, бу ёшлар миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурани англаб етишдан ташқари, уни ҳимоя қилиш қобилияти ва малакасига ҳам эга бўлишлари керак.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, бизнинг ғоявий мухолифларимиз, хусусан, диний экстремизмни тарғиб қилувчилар, асосий эътиборни юқори синф ва лицей ўқувчилари, коллеж талабаларига қаратиб, уларга ўз ғояларини сингдирмоқчи бўладилар. Бунга йўл қўймаслик учун ўшаларда экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашувчи иммунитетни шакллантиришга мана шу босқичда алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Олий ўқув юртлари талабалари у ёки бу ихтисосни эгаллаш учун ҳаракат қилар эканлар, унга боғлиқ фанларни чуқур ва атрофлича ўрганадилар. Шу билан бирга фалсафа, социология, маънавият, диншунослик, сиёсатшунослик каби фанлар билан ҳам яқиндан танишадилар. Бу эса уларга миллий истиқлол ғоясининг фалсафий, ахлоқий, маънавий, этник, диний асосларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Шундан фойдаланиб, олий ўқув юртлари талабаларини миллий ғоя ва миллий мафкурани чуқур англайдиган шахслар сифатидагина эмас, шу ғоя ва мафкуранинг фаол тарғиботчилари сифатида шакллантириш асосий вазифамиз бўлиши лозим. Бунга эришиш учун миллий ғоя ва миллий мафкурани атрофлича таҳлил қилиш билан бирга, уларни тарғиб қилиш услубияти ҳақида ҳам талабаларга етарли билим бериш керак. Чунки миллий истиқлол ғоясини ўз эътиқодига айлантирган мутахассис ёт ғояларга қарши курашиш учун, аввало, бу курашни қандай олиб боришни билиши керак.

Аспирантура ва докторантурада илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган ёшлар миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурани ўзлари тарғиб қилибгина қолмай, шу ғоя ва мафкурани тарғиб қилувчиларни тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўладилар. Бу имкониятни рўёбга чиқариш мафкура соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Турли йўналишдаги малака ошириш институтларида эса амалиётчи-мутахассисларга уларнинг ихтисосликлари бўйича янги билимларни бериш билан бирга, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурани тарғиб қилишдаги ҳолат, ютуқ ва муаммоларни таҳлил қилиш, бу соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича вазифаларни муҳокама қилиш ҳам яхши натижа беради.

Абдуллажон БЕГМАТОВ,
профессор

Taqdimot

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Бир гуруҳ муаллифларимиз томонидан Олмониянинг Тошкентдаги Гёте институти мутахассислари ёрдамида умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун "Ассалом, Deutesh" деб номланган олмон тили дарслик-мажмуаси ёзилиб, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Куни кеча РТМда ушбу дарслик тақдимоти ўтказилиб, дарсликка йўлланма берилди. Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев, Олмониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Доктор Хеккер ва бошқа меҳмонлар ҳозир бўлишди.

Тақдимот аввалида халқ таълими вазири Рисбой Жўраев ҳамкорликнинг турли манзиллари ва келажаги ҳақида сўз юритиб, дарслик-мажмуанинг яратилишида хизмати сингган Олмония элчихонаси, шунингдек, Тошкентдаги Гёте институти ходимларига ва муаллифларга, жараёнда қатнашган барча ходимларга чуқур миннатдорчилик билдирди.

Доктор Хеккер элчи жаноблари эса биринчи расмий юмушини айнан таълим билан боғлиқ маросимдан бошлаётганини, олмон тили Ўзбекистонда катта қизиқишлар ила ўзлаштирилаётганини қайд этди.

Тақдимотда шунингдек, РТМ директори Г.Алимова, Гёте институти вакили Р.Кордес, дарсликлар ҳаммуаллифи Н.Суханова, экспериментатор ўқитувчи Ф.Қосимовалар истиқболдаги вазифалар, дарсликнинг яратилиши, мазмун-мундарижаси ва моҳияти тўғрисида фикр юритдилар.

— Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун муаллифлар томонидан Гёте институти кўмагида яратилган асосий дарслик, ўқувчи дафтари, ўқитувчи китоби ва аудио кассеталардан иборат бўлган ушбу дарслик-мажмуа 1998 йилда Олмонияда 10000 нусхада чоп этилиб, Ўзбекистон мактабларида синовдан ўтказилди, - деди РТМ Ғарбий Европа тиллари бўлими бош методисти Абдуҳаким Носиров. - Синов натижалари, ўқитувчи, ўқувчи, ота-оналар фикрлари асосида дарслик-мажмуа такомиллаштирилди ва жорий йилда эса "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилди. Ушбу дарслик хорижий тилларни ўқитишнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари асосида ўргатишга, ўғил-қизларда кўпроқ оғзаки нутқни ўстиришга қаратилган ҳамда уларни гапиришга ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Дарҳақиқат, мажмуа амалдаги дарсликлардан фарқ қилади. У замонавий, мажмуа шаклида дунё стандартлари асосида яратилган. Шу билан бирга рангли расмлар билан безатилгани ҳолда хорижий тилни ўрганишда зарур бўладиган аудио кассеталарига ҳам эгадир. Шу каби янгиликларни ўзида мужассам этган мажмуа "Йилнинг энг яхши дарслиги" кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

Муҳими, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 17 ноябрдаги 207-сонли буйруғига асосан ўқитувчиларнинг мазкур дарсликдан фойдаланиб дарс ўтиши бўйича малакаси Олмониянинг Тошкентдаги Гёте институти мутахассислари томонидан оширилди ва ҳозирги кунда ўқитувчилар қийналмасдан иш юритишмоқда.

Тақдимот якунида келажакда 6—9-синф ўқувчиларига мўлжалланган дарсликлар ҳам худди шу тартибда яратилиши ҳақида гапирилди. Қисқаси, икки давлат мутахассислари ўртасидаги ҳамкорлик янада тараққий этади.

Гулбаҳор СОЛИЕВА

Milliy dastur - amalda

СОЛИҚЧИЛАРНИНГ ЯНГИ КОЛЛЕЖИ

Давлат солиқ хизматини малакали кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежлари ташкил этилган эди.

Бухоро шаҳридаги 7-ҳунар билим юртининг аввалги биносини қайта таъмирлаб, уни том маънодаги янги замонавий ўқув масканига айлантириш борасидаги бунёдкорлик ишларига бош пудратчи этиб тайинланган "Бухороқурилиш" ҳиссадорлик жамияти бинокорлари "Бухоромахсусқурилиш", "Бухороавтойўл" ва бошқа ўнга яқин ёрдамчи қурилиш ташкилотларидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллик байрамигача объектни фойдаланишга топширдилар.

— Республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан нафақат Бухоро, балки Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғис-тон Республикаси учун солиқ тизими иқтисодчиларини тайёрловчи бу коллежни таълимнинг замонавий техника воситалари ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди, - дейди коллеж директори вазифасини бажарувчи, солиқ хизмати генерал-лейтенанти А.Бобохўжаев мамнунлик билан. - Бу ерда 2 та компьютер синфи ва 2 та лингафон хонаси, маънавият ва маърифат зали, кўплаб фан хоналари, бой китоб жамғармасига эга кутубхонанинг ташкил этилгани, катта ва кичик спорт залларининг, 200 ўринли муҳташам йиғингоҳ ҳамда қулай ошхона ва ётоқхоналарнинг яхши жиҳозлангани бу эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир.

Келажакда 200 талаба ўқийдиган бу даргоҳда айни пайтда илк қалдирғочлар — 70 нафар курсант таҳсил кўрмоқда.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Маърифат" мухбири

ДИРЕКТОРЛАР МАШҒУЛОТИ

Malaka oshirish

Кишининг жамиятда қандай ўрин тутиши, унинг ёшлигида, хусусан, ўқувчилик даврида орттирган илму тажрибаларига боғлиқ. Шундай экан, мактабдаги таълим жараёни ўқувчининг келажакда ўз Ватанининг етук фарзанди бўлиб етишишини кафолатламоғи лозим. Ушбу жараённинг қандай (жадал ва самаралими ёки суст ва бесамарами) кечиши, ташкил этилиши бевосита ўқув масканининг раҳбари, яъни директорига боғлиқ.

Ҳозирги кунда нафақат ўқитувчиларнинг, балки мактаб директорларининг малака оширишларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Турли ўқув тадбирлари, хорижий мутахассислар билан фикр алмашишлар, семинар-маш-ғулотлар бунга мисол бўла олади. Очиқ жамият институти кўмак жамғармасининг (ОЖИКЖ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институти (ХТХМОМИ) ҳамкорлигидаги юртимизнинг турли вилоятлари мактабларидан келган директорларининг малакасини ошириш учун ташкил этилган бир қатор семинар-тренинглар ҳам шулар жумласидандир.

Семинар-тренинглар ОЖИКЖ Ўзбекиситондаги ваколатхонасининг "Мактабларни такомиллаштириш" дастури доирасида ташкил этилган. Ушбу дастур эса ўрта мактаб, лицей, гимназия раҳбарларини мактаб доирасидаги илғор бошқарув методлари билан таништириш орқали ўқув масканларининг маъмурий савиясига ижобий ўзгаришлар киритилишига ҳамда мактаб ҳаётини демократлаштиришни мақсад қилган ташаббускор илм масканларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Куни кеча ана шундай семинар-тренингларнинг навбатдагиси ўз якунини топди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 24 нафар мактаб директорлари иштирок этишди. Машғулотларни ОЖИКЖ кўмаги билан Литва мактабларни такомиллаштириш маркази (ЛМТМ)да малака ошириб келган маҳаллий тренерлар—Ольга Пальнова, Мавлуда Исҳоқова, Елена Киселевалар олиб боришди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ЛМТМ тренерлари Ўзбекистондаги мактаб директорлари ва илмий мудирлари ҳамда республика халқ таълими турли тизимларининг бошқарувчилари билан бир қатор семинарлар ўтказишган, шунинг учун улар мамлакатимиздаги таълим тизими билан яхшигина танишдирлар.

Беш кун давом этган семинар-тренинг "Мактабни самарали бошқариш" мавзусида ўтди. Машғулотлар интерфаол технология асосида кечди. Бунда тингловчилар фақатгина маъруза эшитиш билан чегараланиб қолмай, балки баҳсда қатнашишди, ўз фикрлари, эътирозларини билдиришди. Жаҳон таълим тизими ҳақидаги видеофильмлар кўриб бўлингач, у хусусда ҳам фикр алмашишди.

Семинар-тренинг якунида мактаб директорларига Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректори Жўра Йўлдошев семинарда иштирок этганликлари ҳақидаги сертификатларни топширди. Ректор уларни машғулотларни муваффақиятли ўтгазганликлари билан табриклар экан, жумладан шундай деди:

— Семинар давомидаги сизларнинг ўзаро фикр алмашишдаги бирдамлигингиз (самимийлигингиз), ўзингиздаги тажриба, янгиликларни бошқаларга етказиш иштиёқини кўриб қойил қолдим. Сезиб турибман, барчангиз "қачон мактабимга қайтсаму, олган янгиликларим, орттирган малакаларимни ўша ерда татбиқ этсам", дея сабрсизлик билан турибсиз. Умид қиламизки, сиз ўз тажрибаларингизни бошқа ўқув юртлари раҳбарлари билан ҳам ўртоқлашасиз.

Жамшид САЪДИНОВ,
"Маърифат" мухбири

Кейинги вақтларда Халқ таълими вазирлиги бир қатор давлатлар, жумладан, АҚШ Тинчлик Корпуси, АКСЕЛС ташкилоти, Германиянинг Гёте институти ва кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Хорижий тилларни ўрганиш билан бирга она тилимизга бўлган эътибор ҳам ортиб бораётгани бизни қувонтиради. Яқинда Юнусобод ТХТБ "Давлат тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" (ютуқлар, муаммолар, ечимлар) мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди. Бу бежиз эмас. Зеро, "Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввал, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади" (И.Каримов) деган фикр тил ва адабиёт ўқитувчиларининг мудом ёдида турмоғи лозим.

САМАРАЛИ УСУЛЛАР СИРИ

Анжуманни ТХТБ услубчиси М.Усмонова очиб, "Таълим муассасаларида Давлат тилининг ўқитилиши" мавзусида атрофлича маълумот берди. Ютуқларни санаш баробарида камчиликлар: республика олимпиадасида давлат тили бўйича туман ўқувчиларининг ғолибликка эриша олмаётганлиги, она тили ўқитиш бўйича самарадорликнинг юқори даражада эмаслиги рўйи-рост айтилди ва муаммоларга ечим изланди. Анжуманда она тили дарсларида маънавий усуллардан фойдаланиш, русийзабон ўқувчиларга янги алифбони ўргатишнинг самарали усуллари борасида Р.Жабборова (257-мактаб), Р.Назирова (9-мактаб), М.Асалова (240-мактаб), Ю.Ражабова (80-мактаб)лар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, иштирокчилар олимпиада ўтказишдаги бу йилги янгиликлар, адабиётдан тест топшириқлари билан биргаликда ижодий иш, рус гуруҳларида эса расм асосида тақриз ёзиш вазифаси киритилгани билан таништирилди.

Маърузалар юзасидан баҳс-мунозара бўлди ва таътил кунларида фан олимпиадаларини ўтказиш режалаштирилди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

Балиқчи туманидаги 10-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Исмонали Абдуллаев қарийб 22 йилдирки, ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Ёшлар унинг кўмагида физиканинг сиру синоатларига ошно бўлаётир. Ўқувчиларда янада қизиқиш орттириш мақсадида "Ёш физиклар тўгарагини ташкил қилгани туфайлими, шогирдлари туман ва вилоят фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Суратда: Исмонали Абдуллаев "Ёш физиклар" тўгарагининг аъзолари билан амалий машғулот пайтида.

Абдуллажон КАРИМОВ олган сурат.

2000 yil — Sog'lom avlod yili

МУТАХАССИСЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари мутахассислари I қурултойининг илк босқичи Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, якунловчи босқичи эса иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида бўлди. Унда Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Хўжанд, Астана, Тюмень каби кўплаб шаҳарлардан келган юқори малакали мутахассислар иштирок этишди. Қурултойда республикамиздаги энг долзарб муаммолар кўтарилди. Жумладан, бу касаллик бўйича хизмат маданияти ва уни ислоҳ этиш, қулоқ ва юқори нафас йўлларининг яллиғланиш касалликлари юзасидан маърузалар тингланди.

— Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида тиббиёт соҳасида кўпгина муаммолар юзага қалқимоқда. Масалан, жойларни турли зарур технология ва жиҳозлар билан таъминлаш керак, — дейди анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, профессор Ф.Назиров. — Бундан ташқари, айрим касалликларнинг келиб чиқишида экологик омиллар ҳам таъсир этмоқда. Республикамизда бу касалликка чалинган беморлар сонини камайтириш, уни келтириб чиқарувчи экологик муаммоларни бартараф этиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари етарли бўлмаяпти.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларига қарши курашиш хизматининг ҳозирги кундаги ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари қурултой қатнашчиларини бефарқ қолдирмади. Аксинча, мунозарага чорлади.

Анжуман ёш авлод соғлиғини муҳофаза қилишда ва Соғлом авлод дастурини амалга оширишга муҳим ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Баҳодир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Тошкент Давлат маданият институти талабаси

МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Sinab ko'ring

Математика дарсларида турли оғзаки машқлар ечиш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини кучайтиради. Геометрик шакллар, кубиклар, кесма рақамлар, турли ҳайвонларнинг расмлари, мева-сабзавотларнинг ишлатилиши дарснинг самарадорлигини таъминлайди. Бошланғич синфларда оғзаки ҳисоблаш малакаларини шакллантириш иши алоҳида ўрин эгаллайди. Оғзаки ҳисоблаш усуллари арифметик амалларнинг натижалари ва компонентлари орасидаги боғланишларни билишга асосланган.

Оғзаки ҳисоблаш ўқувчи тафаккурини ривожлантиришда, унинг идроки математик жиҳатдан зийрак ва кузатувчан бўлишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг оғзаки ҳисоблаш малакалари турли машқларни бажаришлари жараёнида шаклланади. Бу машқларнинг асосий турлари қуйидагилар:

1. Математик ифодаларнинг қийматини топиш.
2. Математик ифодаларни таққослаш.
3. Тенгламалар ечиш.
4. Масалалар ечиш.

Бундай машқ ва масалалар ечиш ўқувчининг назарий билимларни ўзлаштириши ҳамда ҳисоблаш малакаларини ҳосил этишда муҳим роль ўйнайди.

Математика дарсларининг самарали бўлишининг яна бир омили — болаларни қизиқтириш.

Кичик ёшдаги ўқувчилар аввал ўйинга қизиқса, кейинчалик ўйин билан алоқадор машғулотларга қизиқа бошлайди. Энди унда ўрганиш, эслаб қолиш, татбиқ қилиш ҳисси пайдо бўлади.

Дидактик ўйинлар болалардаги сезгирликнинг ўсишига ёрдам беради. Масалан:

1. Мен иккита сон ўйладим. Улар кўпайтирилса, 14 сони ҳосил бўлади. Қайси сонларни ўйладим?
(2 x 7=14. Демак, 2 ва 7)

2. Тўртта кетма-кет соннинг йиғиндиси 76 га тенг. Булар қайси сонлар? (16+18+20+22=76).

Математика дарсларида ўйинлардан ташқари, мантиқий топшириқ ва масалалардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилса, муайян самара гарови бўлади. "Дарча", "Дўконда", "Геометрик шакллар ҳисоби: Тез, оғзаки ҳисобла!" каби ўйинлар дарс унумини оширишга имкон беради.

Бошланғич синфларда ўқувчиларни арифметик амалларни тўғри бажаришга ўргатиш энг муҳим вазифалардан биридир. Одатда ўқитувчилар бу масалани ҳал этиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланадилар. Бундай усуллардан бири, ўтилган мавзуга оид машқларни компьютерда автоматлаштирилган тарзда бажаришдир. Компьютер билан ишлаш имкониятлари;

—исталган синф ўқувчиси учун мос келувчи машқларни бериш мумкин;

—ўқувчининг имкониятига қараб машқ бериш ва ҳар бир болага алоҳида ёндашувни таъминлайди;

—жавоб хато берилган бўлса, тўғри жавобни кўрсатади;

—ҳар бир текширувдан кейин баҳолайди.

Бугунги кун замонавий дарс усуллари хилма-хилдир. Улар ичида муаммоли таълим, суҳбат ёки мунозара дарслари, шунингдек, аралаш дарс турларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Математика дарсларида ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ҳисобга олиб, барча жараёнда муаммоли вазиятни вужудга келтириши мумкин. Масалан:

—5x4 = ифодада нима номаълум?
—Кўпайтма.
—Кўпайтувчи сон қайси?
—5.
—5 неча марта кўпайиши керак?
—4 марта.
—Бунинг маъносини тушунтириб беринг?
—Бешлардан тўрттасини қўшиш керак.

Агар биз 4 та 5 сонини қўшсак, 20 ҳосил бўлади.

Демак, бир хил қўшилувчиларни қўшиш кўпайтириш дейилади.

Ўқувчиларга доимо нима учун, исботланг каби саволларни бериб туришимиз керак. Шундагина уларда мустақил фикрлаш ва ҳозиржавоблик хислатлари таркиб топади.

1. —Ўқитувчи: Ўйладим бир сон, тез топгин Равшан.
Агар билсанг, бу сон — ўнта кам саксон.
Ўқувчи: Етмиш.
Ўйин шу тарика давом этади.
2. Та ортиқ — бу қўшиш,
Та кам эса, айириш.
Марта кўп — бу кўпайтириш
Марта кам эса бўлиш.
Буни дерлар арифметик ҳисоб,
Масала ечилар, айтилар жавоб...

Таълим самарадорлиги ўқитувчи меҳнатининг меваси. Бу эса, яхши натижага эришиш йўлида олиб бориладиган дарслар тартиби ўқувчининг ташаббускорлиги ва ўз ишига масъулият билан ижодий ёндашувига боғлиқдир.

Маҳбубахон АЛИЁРОВА,
Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 27-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Таянч дастур билан фақат тарбиячилар ишлашяпти, ота-оналар эса четда қолиб кетмоқда.

"Нега бу нарсаларни ўқитувчилардан сўрашмайди?" деган саволимизга улар : "—Ўқитувчи ва талаба ўртасида масофа бор, улар буни сўрашга истиҳола қиладилар" дея жавоб қайтаришди.

Uzluksiz ta'lim

БОҒЧАДАН, ОИЛАДАН МАКТАБГА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида "Мактабгача ва бошланғич таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Ялпи мажлисни республика халқ таълими вазирининг биринчи муовини Рустам Аҳлиддинов кириш сўзи билан очди:

Мактабгача таълим муассасаларида давлат талаблари, мактабларда давлат таълим стандартлари маълум даражада амалга оширилди. Тажриба-синовлар ўтказилди, бироқ жойларда муаммоларга ҳам дуч келяпмиз. Вилоятларда 3-4 та боғча, мактаб ютуги билан магрурланамиз-у, аксарият таълим муассасалари талабга жавоб бермайди. Илғор тажрибаларни жойларга етказиш, амалиёт билан назариянинг илмий жиҳатлари, йўналишларини очиб бериш зарур. Бунинг учун илмий тадқиқотлар мавзуси кўриб чиқилиб, қайтадан тегишли дастур ишлаб чиқиш керак. Таянч дастур билан фақат тарбиячилар ишлашяпти, ота-оналар эса четда қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, ҳозирда кўпчилик болалар тўғридан-тўғри оилалардан мактабга келишмоқда. Шундай экан, бу ишда ота-оналар фаоллиги, уларни оилада таълим беришга ўргатиш, кўниктириш лозим.

Анжуманда ЎзПФИТИ директорининг ўринбосари У.Нишоналиев "Мактабгача ва бошланғич таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш муаммолари", республика Ташхис маркази директори, профессор Б.Қодиров "Болаларни мактабга тайёрлаш методикаси", Тошкент Педиатрия институти бўлим бошлиғи, профессор У.Каримов "Мактабгача ёшдаги болалар саломатлигини муҳофаза қилишда узвийлик" мавзуларида маъруза қилдилар.

Президент Девони бош консультанти Ғайрат Шоумаров анжуман ҳақидаги фикрларини билдирди. Жумладан, энг муҳим мавзулардан бири бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи якунлари, таълим узвийлиги тўғрисидаги вазифалар, мактабгача ва бошлангич таълим орасидаги узвийлик ва узлуксизликдаги муаммолар, уларнинг ечими тўғрисида батафсил сўзлади.

Анжуман иштирокчиларининг таклифига биноан "Болаларни мактабга тайёрлашнинг педагогик ва психологик жиҳатлари" ва "Узлуксиз таълим тизимида мактабгача ва бошлангич таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш муаммолари"га бағишланган шўъба ишлари биргаликда ўтказилди.

Шўъба йиғилишида Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳ.Аҳмедова "Болаларни мактабга тайёрлашда оила, боғча ва мактаб ҳамкорлиги муаммолари", ЎзПФИТИ бош илмий ходими Қ.Абдуллаева "Бошланғич таълим давлат стандартларини амалиётга жорий этишнинг изчиллиги ва узвийлигини таъминлаш принциплари", М.Расулова "Тарбиячи — тарбияланувчи, ўқитувчи — ўқувчи, ота-оналар муносабатлари узвийлигини таъминлаш омиллари", профессор Д.Шодиев "Бошланғич таълимда табиий фан асослари бўйича давлат таълим стандартларини жорий қилишда узвийликнинг таъминланиши", М.Иноятова "Алифбе дарсликларида болларни мактабга тайёрлаш давридаги эгаллаган билимларининг узвийлигини таъминлаш", Л.Апеева "Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ривожлантириш ва ўқитиш дастури", Л.Обиджонова "Болаларни дунё халқлари маданияти билан таништиришда узвийлик", М.Абдубанноева "Ўқув фанларидан улгурмовчи ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш самарадорлигини ошириш", Ҳ.Умарова "Мактабгача ёшдаги болалар билан 1-синф ўқувчиларининг иқтисодий тушунча ва билимларини ўзаро боғлаш йўллари", М.Ҳамидова "Таълим босқичлари орасидаги узвийликни таъминлаш муаммолари" мавзуларида фикр юритдилар.

Анжуман юзасидан бўлган мунозаралар ялпи мажлисга нисбатан жонли, қизиқарли, тортишувларга бой ўтди. Иштирокчилардан Ш.Юнусова, М.Тошпўлатов, Х.Хожихонов, Р.Одилова, М.Маҳмудова, Н.Аҳмедова, Р.Йўлдошев, М.Эшматов, Ҳ.Эгамов, М.Жамолиддинова, Д.Нуркелдиева, Т.Турдиалиева, Г.Аматова ва бошқалар ҳам мактабгача ва бошлангич таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашдаги муаммоларни ҳал этиш борасидаги ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

"Улар Германияда ўқиган эдилар"

Куни кеча республика Киночилар уйида асримиз бошларида ривожланган давлатларга ўқиш учун юборилган халқимизнинг ажойиб фарзандлари ва улар тақдирига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ олимлар, олий ўқув юртларининг талабалари ҳамда ноҳақ қатағонга учраган А.Қодирий, Чўлпон, Ф.Хўжаев каби миллатпарвар инсонларнинг фарзандлари, қариндошлари иштирок этдилар. Дастлаб "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси раиси Наим Каримов тадбирни бошлар экан, ундан кўзланган асосий мақсад тарихимизда ўтган фидойи халқ фарзандларининг ҳаётини ёшларга ҳаққоний ва ишонарли тасвирлаб бериш эканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг бу борада самарали изланишлар олиб бораётган Шерали Турдиев сўз олди. Адабиётшунос олим кўпчиликка ҳали номаълум бўлган қизиқарли маълумотларни айтиб берди.

ХХ асрнинг биринчи чорагида маърифатпарвар зиёлиларимиз томонидан тузилган "Кўмак" жамғармаси ёрдамида ёшлар хорижий мамлакатларнинг нуфузли олийгоҳларида билим олиш бахтига муяссар бўладилар. Бироқ катта умид ва мақсадлар билан ўз ватанларига қайтган бу йигит-қизлар Сталиннинг беаёв қатағонига дучор бўлдилар, ҳали ўқишни давом эттираётганлари эса икки ўт орасида мусофир юртларда умрбод қолиб кетишга мажбур бўлдилар...

Мазкур масала бўйича миллат дея, озод Ватан дея шаҳид бўлган бу азиз инсонларнинг фарзандлари ва қариндошлари — Ўрхон Жаббор, А.Иброҳимов, А.Мажидхоновлар ҳам сўзга чиқдилар.

"Умид" жамғармаси раиси ўринбосари Б.Убайдуллаев эса ўз нутқида ёшларимизни буюк аждодларимиз анъаналарини давом эттиришга ҳамда асримиз бошларида маърифат нурини тарқатган забардаст алломаларимизнинг муносиб ворислари бўлишга ундади.

Анжуман якунида тарихимиз саҳифаларида ўчмас из қолдирган Мажид Иброҳимов, Иброҳим Ёркин, Саттор Жаббор, Саида Шераҳмедова, Тоҳир Шокиров каби ватанпарвар инсонларга бағишланган "Улар Германияда ўқиган эдилар" фильми (фильм режиссёри Ш.Маҳмудов) намойиш этилди.

Собиржон ЁҚУБОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Teran tomirlar

ТИКЛАНГАН РИШТА

Таълим самараси, энг аввало шу жараён иштирокчилари — ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларга боғлиқ эканлиги барча маърифатпарвар аждодларимиз томонидан таъкидлаб ўтилган. Шу боис бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларимизда халқимиз руҳияти, миллий урф-одат ва анъаналари имкониятларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мана шундай бой педагогик анъаналардаги шарқона устоз-шогирд муносабатларига хос бўлган ажойиб хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган даргоҳ — Хоразм Маъмун академияси-"Мажлиси уламо" ўша даврдаги энг йирик илмий марказгина эмас, балки олиму уламоларни тайёрловчи муқаддас таълим маскани ҳам бўлган дейишимизга тўла асос бор.

Академия фаолияти даврида (X аср охири-XI аср бошлари) Ватанимиз ҳудудидаги бошқа шаҳарлардаги каби қадимий Хоразм пойтахти Кўҳна Урганчда ҳам қатор мадрасалар фаолият кўрсатган. Жаҳонга машҳур бўлган юртимиз алломаларининг деярли барчаси мадраса таҳсилини олганлиги, бу илм масканларининг ўлкамиз маданий-маърифий тараққиётида катта роль ўйнаганлигидан далолат беради. Хоразм Маъмун академиясига мансуб алломалардан ибн Сино Бухоро, ибн Хидр ал-Хўжандий Марв ва Урганч мадрасаларида илм асосларини эгаллаган бўлсалар, Абу Мансур ас-Саолибий устози ал-Миколий қўлида яшагани, унинг мажлис ва суҳбатларидан кечаю кундуз баҳраманд бўлганлигини айтиб ўтган эди. Вақти келиб бу олимлар ҳам устозлик даражасига етганлар. Улар шогирдларига чуқур билим беришдан ташқари одоб-ахлоқ бобида ҳам намуна бўлишга интилганлар. Бундай мукаммал ахлоқли етук мутафаккирлардан бевосита таҳсил олмаган холда, уларни ғоявий, маънавий устоз деб ҳисоблаган олимлар ҳам кўп бўлган. Масалан, Умар Хайём, Насриддин Тусий, Муҳаммад Тарағай Улуғбек ва бошқалар Берунийни ўз устози деб билиб, аллома номини чуқур ҳурмат билан тилга оладилар. Ўз навбатида Беруний ҳам умр бўйи Абу Мансур ибн Ироқни устоз ҳисоблаб, унга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлган.

Хоразм Маъмун академиясида турли соҳалар бўйича етук олимларнинг жамланиши илм уйида кўпчилик шогирдларнинг ҳам йиғилишига олиб келади. Илмга чанқоқ бу ёшлар ўз устозларининг суҳбат ва баҳс-мунозараларидан баҳраманд бўлганлар. Уларга ўз билимларини мукаммал ўргатиш истаги алломалар томонидан илмий асарларга педагогик, методик ғояларнинг сингдирилишига олиб келган. Зукко шогирдлар устозларига иззат-ҳурмат кўрсатиб, турли илмий мусобақаларда уларнинг юзларини ерга қаратмасликка ҳаракат қилганлар. Ҳатто айримлари устози тугата олмаган илмий ишларни давом эттиришган. Масалан, ибн Синонинг "Нажот" рисоласига шогирди ал-Жузжоний томонидан қўшимча ёзилган. Мазкур қўшимча қисмда ал-Жузжоний устозининг ўз китобларини нусха олмасдан сўраганларга ҳадя этиш одати бўлганлиги учун аллома асарларининг сақловчиси бўлиб ҳам хизмат қилганлигини ёзган эди. Шундай содиқ шогирдларнинг меҳнатлари натижасида кўпгина буюк устоз олимларнинг бебаҳо асарлари билан таниш имконига эга бўлаётганлигимиз учун улардан ҳар қанча миннатдор бўлсак, арзийди. Бутун бошли асарни кўчириб ёзиш, унга зарур тузатишлар киритиш ёш олимлардан сабр-тоқат, катта меҳнат, зўр маҳорат талаб қилади.

Шогирдлар тайёрлашга академия алломалари жиддий эътибор қаратганлар, улар билан ишлашга доимо вақт топганлар. Масалан, ибн Синонинг иш кунини шогирдларидан бири қуйидагича таърифлайди: "У тонг ёришмасдан туриб, "Китоб аш-шифо"нинг айрим саҳифаларини тугатар эди. Тонг отгач, ўқувчиларни қабул қилар эди. Шогирдлари келмасданоқ, аллома ҳовлисида анча беморлар йиғилиб қолган бўлар эди. Булардан ташқари, ибн Сино шоҳ саройидаги мунозараларда ҳам фаол иштирок этади, унинг чиқишлари мантиқий салмоғи, фикрлашдаги илғор ва дадил қарашлари билан тингловчилар эътиборига сазовор бўлар эди.

Маълумки, мустақил таълим ва тарбия академия алломаларининг маърифий-ахлоқий қарашларидаги етакчи ғоя бўлган. Шу боис шогирдлар тайёргарлигига "Мажлиси уламо" кутубхонасининг қўшган ҳиссасини алоҳида қайд этиш лозим. Академик И. Мўминов таърифлашича, Хоразм Маъмун академияси кутубхонасида Фалес, Афлотун, Пифагор, Арасту, Суқрот, Гиппократ каби таниқли юнон мутафаккирларининг асл нусхадаги асарлари ва уларнинг араб тилидаги нусхалари доимий равишда шу ерда ижод қилган алломалар асарлари билан тўлдириб борилган.

Академияда таълимнинг амалиёт билан боғлиқ бўлишига катта эътибор берилган. Масалан, Берунийнинг Амударё суви сатҳини ўлчаш мақсадида олиб борган тадқиқотлари, астрономик кузатишларида ёки ибн Синонинг беморларни даволашида, ибн Мискавайхнинг тарихий изланишларида, ибн Ироқнинг мураккаб математик масалалар ечимини топишида шогирдлари ҳам фаол иштирок этганлар.

Ушбу илм масканида ижод қилган олимларнинг илмий мероси ва амалий фаолиятидан ўрин олган устоз-шогирд муносабатларига доир ўзига хос хусусиятларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Устоз-шогирдлар ўртасида ўзаро ҳурмат, аҳиллик, руҳий яқинлик ҳукм сурган.

Таълимда кўргазмалиликка, амалиёт билан боғлиқликка, жамоа бўлиб ўқишга, мустақил ишлашга алоҳида эътибор берилган.

Таълим бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган баҳс-мунозаралар, муаммоли суҳбат ва маърузалар шаклларида олиб борилган.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, устоз-шогирдлик анъаналари Президентимиз томонидан қайта ташкил этилиб, Хива шаҳрида фаолият кўрсатаётган Хоразм Маъмун академиясида ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Шу ўринда академик А. Саъдуллаев, профессорлар К.Сафаров, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов, доцентлар Ҳ.Абдуллаев, Г.Машарипова каби олимларнинг бу борадаги илмий-маърифий изланишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Хулоса шуки, ўзбек педагогикаси тарихи таълим-тарбия масалаларига, хусусан устоз-шогирд муносабатларига оид бой меросга эга. Ҳар бир ўқитувчининг бу улкан меросни ўрганиб, ундан кундалик педагогик фаолиятда амалий фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Фарҳод БАБАШЕВ,
Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ илмий ходими

Ta'kid

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ МУАЛЛИМИ ТАДБИРКОР БЎЛСА...

Бугунги кунда таълим соҳасидаги муҳим вазифалардан бири ёш авлодга билим бериш билан бирга уларни амалий жиҳатдан тайёрлаш, уларда ҳунармандчилик кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир. Бозор иқтисодиёти даврида ишбилармонлик, тадбиркорлик хислатларини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун меҳнат дарсларида маҳаллий шароитда мавжуд бўлган ҳом ашёлардан фойдаланган ҳолда халқ ҳунармандчилиги кўникмаларини сингдириш, бу борада меҳнат таълимини такомиллаштириш ва услубий жиҳатдан бойитиш лозим. Маълумки, уқувчиларнинг меҳнат ва касбий тайёргарлиги қуйидаги таркибий қисмларни қамраб олади, меҳнат ва касб тарбияси, касблар тўғрисида бошланғич тушунчалар бериш, касбларга қизиқиш, касбларга мослашиш, касблар тўғрисида тасаввурни шакллантириш, касбий маҳоратни шакллантиришдир.

Умумтаълим мактабларида меҳнат ва касб таълими асосан уч йўналишда ташкил этилиб, бу йўналишларда бир неча тармоқлар мужассамлашган.

Биринчи йўналиш — техник меҳнат бўлиб, бунга қоғоз ва картондан турли шакллар ясаш, ёғоч ишлов бериш, металларга ишлов бериш, электротехник ишлар киради.

Иккинчи хизмат кўрсатиш меҳнати йўналиши — озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, қулинария асослари, газламаларга ишлов бериш, уйшунослик ва уй-рўзғор буюмларини тузатиш, таъмирлаш каби вазифаларни қамраб олади.

Учинчи қишлоқ хўжалик меҳнати йўналишига эса, бир йиллик ва кўп йиллик экинларни экиш, парваришлаш, тупроққа ишлов бериш, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси киради.

Бу йўналишлар бўйича бериладиган билим ва кўникмалар мамлакатимиздаги касб тайёргарлиги тизимининг миллий, маънавий, ҳудудий ва этник хусусиятларини тўлиқ ифодаламайди. Шунинг учун бу тизимга тўртинчи йўналиш — халқ ҳунармандчилигини киритиш ва уни мустақил йўналиш сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек халқ ҳунармандчилиги 150 дан зиёд соҳага эга бўлиб, меҳнат ва касб таълимига амалий тус беришлиги, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланишга қулайлиги, ўғил ва қиз болалар меҳнатининг ўзига хос жиҳатлари билан замон талабларига мос келади. Бу соҳани етарлича ўрганиш ёшларни иш билан таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда халқ эҳтиёжи молларини ишлаб чиқариш ва маълум бир йўналишдаги миллий амалий санъат намуналарини ишлаб чиқиб, сотишни йўлга қўйиш иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам жуда фойдалидир. Вилоятимизда илгари тол ва тут новдаларидан турли хил рўзғор буюмларини тўқиб сотиш оммалашган эди. Ана шу соҳани ривожлантириб, шу соҳа мутахассисларини топиб, мактаблардаги меҳнат таълими жараёнини бевосита ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда олиб бориш мумкин.

Албатта, бу соҳада ҳар бир туманнинг ўзига хос маҳаллий шароитини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, меҳнат дарсларида халқ ҳунармандчилигини қўллаш ўқитувчилардан бу соҳага нисбатан ижодкорона ёндашишни талаб қилади. Агар меҳнат таълими ўқитувчиси тадбиркор бўлса, айтайлик терак, ёнғоқ, чинор каби дарахтлардан уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш каби малака ва билимларни уқувчиларга сингдириш билан биргаликда шу соҳани мактаб учун даромад манбаига айлантириши мумкин.

И.ИСМОИЛОВ,
Жиззах вилояти ПХМОИ меҳнат ва эстетика бўлими бошлиғи

ҒЎЗАЛ ВЕНА ТААССУРОТЛАРИ

27-30 сентябрь кунлари Австрия пойтахти Вена шаҳрида "Марказий Осиёни тадқиқ этиш Европа жамияти"нинг навбатдаги 7-конференцияси бўлиб ўтди. Дунёнинг 23 мамлакатидан вакиллар иштирок этган ушбу анжуманда 18 нафар ўзбекистонлик олимлар ҳам қатнашишди. Ана шу олимлардан бири бўлмиш таниқли публицист, ўзбек матбуоти тарихини ёритишда ўзининг хизматлари билан катта ҳисса қўшган олим Бойбўта ака Дўстқораев бизнинг саволларимизга жавоб бериб, ушбу конференция ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Бойбўта ака, аввало, конференциядан кўзда тутилган мақсад ва бу йилги конференциянинг қандай бўлиб ўтганлиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Конференциянинг асосий мақсади, жамият номидан кўриниб турганидек, Марказий Осиё ўтмиши, бугуни, келажаги, унинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тузилиши, муаммолари, Марказий Осиё халқларининг этнографияси, урф-одатлари ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот беришдан иборат эди. Айнан шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, конференция иштирокчилари 4 та шўъбага бўлиндилар ва жами 104 та маъруза тингланди.

Диққатга сазовор томони шундаки, асосан ЎзФА, Иқтисодиёт, Тарих, Тил ва адабиёт, Санъатшунослик институтларидан, ЎзМУ, ЎзДЖТУ каби университетлардан борган 18 та ўзбек олимлари ҳам унда фаол қатнашди.

— Ўзбек олимларининг конференциядаги иштироки ҳақида кенгроқ гапириб берсангиз.

— Улар жуда қизиқарли, шу билан бирга муҳим мавзуларни кўтардилар. Мен ҳам "Туркистонда миллий матбуотнинг пайдо бўлиши ва "Тараққий" газетаси (1906 йил)" мавзусида маъруза қилдим. Шунингдек, тарихчи Шодмон Воҳидовнинг "Самарқанд ва Тошкентда садр тушиш маросими" маърузаси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

— Ватанимиз вакилларининг чиқишлари конференциянинг бошқа қатнашчилари томонидан қандай қарши олинди?

— Тўғ-рисини айтсам, бизнинг фикрларимизга улар шунчалик катта эътибор беришини кутмаган эдим. Ҳатто баъзи маърузалар баҳс-мунозараларга ҳам сабаб бўлди. Бу уларнинг Марказий Осиёга, жумладан Ўзбекистонга қизиқиши нақадар кучли эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида чет эллик олимлар ҳам Марказий Осиё ҳақида мароқли маърузалар ўқидилар. Жумладан, "The Emiral of Bukhara: reflectoins on socio-political Transition"("Бухоро амирлиги: ижтимоий-сиёсий тузумдаги жиҳатлар", Сухандана Чаттержей, Калькутта, Ҳиндистон), "The Role of Contemporary Uzbek Toy`s Music in Reinforcing Traditional Central Asian Muslim Values"("Қайта жонланаётган Марказий Осиёнинг анъанавий ислом қадриятларида ўзбек миллий тўй қўшиқларининг ўрни", Крейк Макрей, АҚШ) каби маърузалар менда жуда яхши таассурот қолдирди.

— Конференциядан ташқари яна нималар ҳақида гапириб бера оласиз?

— Конференциядан бўш вақтимизда Австриянинг таълим тизими билан қизиқдик. Масалан, Вена университетида бўлганимизда ажойиб холатнинг гувоҳи бўлдик. У ерда ўқиш 1 октябрдан бошланаркан ва худди шу куни юқори курс талабалари I курс талабаларига университет ҳаёти, тартиб-қоидалар, ўқитиш тизими ҳақида тушунтириб берар экан. "Нега бу нарсаларни ўқитувчилардан сўрашмайди?" деган саволимизга улар "Ўқитувчи ва талаба ўртасида масофа бор, улар буни сўрашга истиҳола қиладилар" дея жавоб қайтаришди. Ўқитувчига нисбатан бундай юксак ҳурматни кўриб кўз ўнгимда Қадимги Шарқдаги устоз-шогирд муносабатлари гавдаланди ва хаёлимдан "бизнинг талабаларимиз ҳам уларнинг шу жиҳатларидан ўрнак олса яхши бўларди", деган фикр ўтди. Дарвоқе, бундан ташқари биз Вена Матбуот институтида ҳам бўлдик. Бу институтда публицистика соҳаси бўйича махсус кадрлар тайёрланар экан.

— Модомики, суҳбатимиз мавзуси таълим соҳасига бурилган экан, Австрия талабалари ҳаёти, улар учун яратилган шароитлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Биз Венадаги талабалар уйларидан бирида яшадик. 2 кишига мўлжалланган, жуда яхши жиҳозланган хоналардан иборат бу ётоқхона биздаги номдор туристик меҳмонхоналарни эслатарди. Талабаларнинг дам олиши, кўнгил очишлари, дарс тайёрлашлари учун барча шароитлар муҳайё. Талабалар ҳам ўз навбатида бу шароитлардан унумли фойдаланадилар, улар бутун диққат-эътиборини чуқур билим олишга қаратганлар.

— Айтинг-чи, Вена шаҳри сизда қандай таассурот қолдирди?

— Шаҳарнинг жойлашган ўрни ҳам ажиб бир манзара кашф этади: шаҳар ўртасидан Дунай дарёси оқиб ўтган бўлиб, районлар Ғарбий ва Шарқий соҳилларда жойлашган. Катта маҳорат билан ишланган, тепаларига ҳайкаллар ўрнатилиб, нақшлар билан безатилган бинолар Венанинг қадимий, айни пайтда эса замонавий шаҳар эканлигини кўрсатиб туради.

Мени ҳайратлантирган бир нарса шаҳарда ободончиликка жуда катта эътибор берилар экан. Бўш жойнинг ўзи йўқ - ҳар тарафда гуллар, дарахтлар. Гарчи шаҳар анча катта бўлса-да, жуда тинч ва осуда. Ўғирлик, жанжал, безорилик улар учун ёт экан. Халқи ҳам самимий ва дилкаш инсонлар, ҳаммаси оддийликка, соддаликка интилар экан. Шанба ва якшанба кунлари шаҳар аҳолисининг деярли ҳаммаси тоғларга, шаҳар ташқарисига дам олгани чиқиб кетар экан.

Шундай кўркам диёрнинг гўзал шаҳарларида юрибману атиги 3 кун ичида ўз юртимни соғина бошладим ва унинг ягона эканлигини яна бир бор ҳис қилдим.

— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур.

Муножот КАМОЛОВА суҳбатлашди.

Xalqaro hamkorlik

Anjuman

ТАЖРИБА ЎРГАНИЛДИ

Самарқанд саноат коллежида "Касб-ҳунар таълимида модуллаштириш" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман туризм, меҳмонхона ва ресторан иши ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг модел тизимини ўқув жараёнига қўллашда германиялик мутахассисларнинг тажрибасини ўрганишга бағишланди.

Уч кун давом этган анжуманда Қозоғистон, Қирғизистон ва Германиядан келган касб-ҳунар таълими мутахассислари иштирок этишди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Хайриддин Масъудов, шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари А.Маматов, СамДУ ректори Р.Холмуродовлар таълим соҳасида ҳамкорлик ўрнатаётган давлатлар вакилларига самимий тилакларини изҳор этди.

Германия техник ҳамкорлик жамияти раҳбари, доктор Купфер Юрген семинарнинг аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Семинар давомида меҳмонлар Самарқанднинг қадимий обидаларини ҳам зиёрат қилдилар.

Н.ШЕРБОЕВА,
ўз мухбиримиз

Dil izhori

ШОГИРД КАМОЛИНИ КЎРИБ

Инсон нафақат меҳнат қилиш, балки ўз меҳнати самарасини кўриб қувонишдек энг олий туйғу соҳибидир. Шунинг учун ҳам азал-азалдан кексаларимиз меҳнатни энг яхши тарбиячи, дея таърифлаб, у орқали ўз фарзандларини комил инсон даражасига етиштирган. Айниқса, устоз бўлиб, ўз шогирдларингнинг бирин-кетин эришаётган муваффақиятларини кўриш гашти ўзгача.

Менга айнан шундайин ҳис-туйғуларни бахшида этган, тиришқоқлиги, билимга чанқоқлиги ва одамохунлиги билан обрў-эътиборга сазовор бўлган шогирдларимдан бири Анвар Турсуновдир. Анваржон ҳозирда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг Европа ва Америка бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсатмоқда. А.Турсунов билан биз қирқ йилча ёнма-ён, устоз-шогирд, ака-ука, дўст-биродар бўлиб ишладик. Бугун олтмиш ёшга тўлиб, ортга қараб, босиб ўтган йўлини, унда қилинган барча эзгу ишларини сарҳисоб қилаётган дўстим ҳақида ёзишдан ҳам мақсадим шундайин инсонлар ҳаётини ибрат сифатида кўрсатишдан иборат. А.Турсунов ўз иш фаолиятини Тошкент тўқимачилик комбинатида смена устаси бўлиб бошлаб, шу баробарида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олди. Шу даврларда у тўплаган тажриба, билим ва ҳаётий кўникмалар салмоғи Анваржоннинг мартабаси юқорилаб боришига асосий омил бўлиб хизмат қилди. Институтда хорижий талабалар билан ишлаш бўйича декан, Жазоир енгил саноат миллий институтида кафедра мудири, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бошқарма бошлиғи ҳамда ҳукумат идораларида масъул вазифаларда ишлади.

Бугун мамлакатимиз мустақил бўлиб, хорижий давлатлар билан дўстона алоқаларимиз бевосита амалга оширилаётган бир паллада ана шу ришталарни мустаҳкамлаш, дунё халқларини бир-бирига ошно этиш катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада ҳам Анвар Турсунов кўпгина ишларни қилишга улгурди. У Европа давлатларининг 12 таси ва АҚШ билан дўстлик жамиятлари тузиш, улар билан маданий-маърифий алоқаларни йўлга қўйишда ҳамда ривожлантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Бунга Анваржоннинг кўпгина мамлакатлар халқларининг нафақат тилини билиши, балки дилини тушуниши сабаб бўлса керак.

Мен бугун ўз шогирди камолини кўрган, ўз дўстининг бахтли онларига шерик бўлган бир инсон сифатида Анваржоннинг мазмунли ҳаёти бунданда зиёда бўлишини, қилаётган эзгу амаллари ҳамиша ўз меваларини қалбларини қувончга тўлдириб юришини Оллоҳдан тилайман.

Муртазо СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган бинокор, иқтисод фанлари номзоди, Республика муҳандислар академияси академиги, олий ва халқ таълими аълочиси

Ўзбекистонлик ўзбек бўлмаган миллат фарзандининг ўзбек тилини мактабда чуқур ўрганиши унинг касб танлаш ва меҳнат жараёнида ўз ўрнини топа олишига имкон беради.

Айтишадики, яхши ном билан дунёдан ўтган киши, ёмон ном олиб тирик қолган кишидан афзалдир.

Tanlov

Таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчиларига давлат тилини ўргатиш долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистонлик ўзбек бўлмаган миллат фарзандининг ўзбек тилини мактабда чуқур ўрганиши унинг касб танлаш ва меҳнат жараёнида ўз ўрнини топа олишига имкон беради. Русийзабон мактабларда тилни ўргатиш давомида ўзбек халқининг турли миллий анъаналарини, бой маданиятини, тарихини ўргатишга ҳам катта эътибор бериляпти. Бу билимларни ўқувчиларга ўргатиш, уларни ўзбек урф-одатлари, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш биз устозларнинг бурчимиздир.

"ЎЗБЕК ТИЛИНИ КИМ ЯХШИ БИЛАДИ?"

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 11 йиллиги муносабати билан Миробод тумани халқ таълими бўлими ходимлари ташаббуси билан 15 октябрдан 21 октябргача русийзабон мактабларда Тил байрамига бағишлаб, ўзбек тилида айтиладиган қўшиқлар кўрик-танлови ўтказилди. Тумандаги 175-мактабда мактабларо кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Бунда 31, 94, 110, 175, 214, 218, 263, 294-мактаблар вакиллари қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишиб фахрли ўринларни эгалладилар. Биринчи ўрин 294-мактаб ўқувчиларига, иккинчи бўлиш 218-мактаб ўқувчиларига, учинчи ўрин эса 175-мактаб ўқувчиларига насиб қилди.

Ана шундай кўрик-танловлар нафақат байрамларда, балки бошқа пайтларда ҳам ўтказилиб турилса, русийзабон болаларининг ўзбек тилида хатосиз, равон сўзлашишларига кўпроқ имкон яратилган бўлар эди.

Марям САИДМУРОТОВА,
ўқитувчи

БАХТУ САОДАТ МАСКАНИ

Оила — жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Оилани асраш инсоннинг ғоят муҳим, масъулиятли вазифасидир. Оила ҳаётга жўшқинлик бахш этади. Инсонга бахт-саодат келтирадиган ягона бойлик ҳам оиладир. Ана шу гўзаллик, ахлоқий поклик маскани бутун жамиятнинг бахт-саодати ҳамдир.

Хўш! Бу неъматга инсонлар қандай назар билан қарашади? Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапни қандай тушунишади? Авваломбор одам бахтли бўлишни истаса ўзи курашиши, бахт сўзининг замирида қандай маъно ётишини аниқлаб олиши, бахт, оила нима эканлиги хусусида ўзига савол бериб кўриши керак.

Биз ҳозирги вақтда оиладаги можароларнинг кўп ҳолларда арзимас сабаблар туфайли келиб чиқаётганини англаб бормоқдамиз. Инсон бахтли бўлмоғи учун аввало қариндош-уруғи, ёру биродарлари орасида ҳурматга

Anglash

сазовор бўлиши, уларнинг муборак қалбларини оғритмаслиги керак. Ўшандагина у ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Акси бўлса-чи? Буни қарангки, оиладаги келишмовчиликлар ҳатто бир онанинг фарзандлари, ака-ука, опа-сингиллар ўртасида ҳам учраб турибди. Ахир, она, фарзандларим шундай бўлсин, деб дунёга келтириб, оқ сут берганмиди? Йўқ, асло? Кўз олдида бундай воқеалар, ўзаро жанжаллар рўй бериб турса, болалар эртага қандай инсон бўлади?

Одам ўзидан бир боғ қолдириши керакки, яъни бу боғ ичида ҳамма гўзаллик, яхши фазилатлар мужассамлашган бўлсин! Шундагина фарзандлар ҳам бу бахтдан баҳра олиб, яхшилик қилишга интиладиган инсонлар бўлиб вояга етадилар.

Айтишадики, яхши ном билан дунёдан ўтган киши, ёмон ном олиб тирик қолган кишидан афзалдир.

Барно ШЕРБОЕВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Куз манзараси

САНЪАТКОРЛАР ХОТИРАСИ

Киночилар уйида Ўзбекистон халқ артистлари Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев ва Соиб Хўжаевларнинг 90 йиллигига бағишланган хотира тадбирлари бошланди.

Кечанинг илк кунида Киночилар уйининг катта залида актёрлар ҳаёти ва ижодига бағишланган фотокўргазмадан ҳар уччала ижодкорнинг ҳам оддий инсонликдан улкан санъаткор даражасигача босиб ўтган ҳаёт йўли, турфа хил яратган образлари, кинофильм жараёнлари, театр саҳнасидан эсдалик сифатида олинган суратлари ўрин олган эди.

Айнан шу кундан бошлаб улар иштирок этган фильмлар намойиши ҳам бошланди. "Тоҳир ва Зуҳра", "Улуғбек юлдузи", "Ёр-ёр", "Мафтунингман" каби бир қатор таниш фильмларимиз билан бирга "Зулматни тарк этиб", "Виждон амри билан" каби ноёб фильмлар ҳам намойиш этилди. Фильмларни кўраркансиз, улардан хоҳ катта, хоҳ кичик роль бўлишидан қатъий назар ҳар бир санъаткорнинг ўзига хос ижро йўли бўлганлигига амин бўласиз.

Хотира тадбирлари бир ҳафта давом этади. Киночилар уйининг конференциялар залида марҳум санъаткорларнинг ижодий фаолиятига бағишланган илмий конференция ва хотира кечаси ушбу тадбирларни якунлайди.

Хуршид РЎЗИЕВ

Xullas...

БАЛИҚ ОВИДАГИ РЕКОРД

Марго Вахтер деган жаноб балиқ гуштига би-ир туймоқчи бўлиб, оролчага йўл олди. Сувнинг саёзроқ жойида унинг тўрига, лоф эмас, ишонинг, бўйи бир метрча келадиган лосос илинди. Лосос деганлари қизил гуштли балиқ бўлиб, оғирликда унга тенг келадиган "қариндош"лари деярли кам.

Марго Вахтер бу балиқни ейишга кўзи қиймай олимларга "совга" қилди. Бундай балиқлардан чучело, яъни қотирилган муъжиза ясаш мумкин.

Дарвоқе, 13 килолик лосос Эстония тарихида ҳолва. Таллин қишлоқ хўжалик университетининг балиқчилик бўлими бошлиги Тийи Паавер "Postimees" газетасига берган интервьюсида, 1938 йили балиқчилардан бири 37,7 килолик улкан лосос тутиб олгани ҳақида маълум қилган.

ЖАҲЛ ЧИҚСА, АҚЛ КЕТАР

Молдавиянинг Оргеев шаҳрида истиқомат қилаётган жаҳон чемпиони Николайнинг бу галги ўзини "кўрсатиши" рингда эмас, кўчада содир бўлди.

Эски қадрдонини учратиб қолган Николай дастлаб чегарадан чиқмай, бинойидек гаплашиб утирарди. Сўнгра уларнинг овозлари баландлай бошлади. Дўстлар учрашуви борабора Николайнинг "душмани" машинаси ойнасини синдириш билан якун топди. Боксчининг аҳволига қараб бўлмайди. Григорийда ҳам кўкарган доғлар етарли.

"Ҳазилкаш" боксчи марҳамат қилиб, Григорийнинг машинасига ойна ўрнатиб берадиган бўлди. Жамоат тартибини бузганлиги учун Николай катта миқдордаги жаримани ҳам тўлаши керак.

Билишимизча, жаҳли чиққанда ақли қочган жаҳон чемпиони ўзини жарима билан "сийлаш"ларини кутмаган бўлса керак. Лекин кўриб турганингиздек, қонун барчага баробар.

ТАХМИНЛАР, ТАХМИНЛАР

Бу дунёда не кўп, мўъжиза кўп! Кўрган сари ҳайратинг ошади. Башқирдистоннинг Иглин туманидаги аҳоли табиатнинг сирли жумбоғи қаршисида лол қолишди.

Кучли шамол туриши оқибатида сув ҳавзаси узра нимадир сузиб юрарди. На ҳайвонга ўхшайди, на одамга!

Бунинг сирини билиш мақсадида гаввослар кузатиш олиб боришгач, маълум бўлдики, сув усимликлари ва қамишларнинг ўсиши, бориб-бориб чириши натижасида маълум ҳажмдаги яшил "оролча" ҳосил бўлган. Ўсимликлардан таркиб топган бу "оролча" сув тубига ғарқ бўлган. Ва бир кун келиб, улар яна сув юзасига қалқиб чиққан.

Иглин кексаларининг тахмини эса бошқачароқ. Қачонлардир, ким нечанчи асрларда, денгиз ўрнида чиройли қаср бўлиб, вақт утиши билан сув бу қасрни ўз қаърига олган.

Икки тахминнинг қай бири тўғри, хулоса чиқаролмаймиз. Қисқаси, табиат жумбоқларидан бири одамзотни яна ҳайрон этди.

ana shunaqa gaplar...

Халқ таълими вазирлиги жамоаси Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиги Қурбонали Эргашевга акаси **Тўрақул ЭРГАШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, касаба уюшмаси, рус-корейс тили ва адабиёти факультети жамоаси рус тилшунослиги кафедраси доценти **Югай Илья ГРИГОРЬЕВИЧнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

"ЛИВАН-2000" ЯКУНИ

Ўзбекистон билан финал мусобақаларида бир гуруҳда тўп сурган ҳамюртларимизни йирик ҳисобда мағлуб этган Япония ҳамда Саудия Арабистони терма жамоалари бош соврин учун курашдилар ва кунчиқар мамлакат вакиллари ҳақли равишда иккинчи бор Осиё кубогини қўлга киритди.

ТОЖГА 1 ОЧКО ҚОЛДИ

Каспаров ва Крамниклар ўртасида кечаётган жаҳон шахмат тожи учун курашлар қизғин кечмоқда. 13 партия ўйиндан сўнг давогар Крамникнинг имкониятлари анча ортди: 7,5-5,5. У қолган уч учрашувда бир очкони қўлга киритган.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҚОЛДИРИЛДИ

"California Speedway" трассаси бўйлаб КАРТ туркумига кирувчи автопойга мусобақалари 33-даврада ёғингарчилик туфайли тўхтатилди. Душанба куни кечга яқин давом эттириладиган жаҳон чемпионатида колумбиялик Хуан Пабло Мантойя биринчиликда бормоқда.

ФАНАТЛАР ҚАЙТИШИ

Москвада хотиржамликни йўқотди. Санкт-Петербургдан "Спартак"нинг ашаддий мухлислари билан тўлган поезд келиши олдидан Москва милицияси вокзални алоҳида назоратга олди. Негаки, кейинги пайтларда футбол фанатлари "чегарадан чиқиб кетмоқда".

ЛОГОФЕТ — ФИФА ҚЎМИТАСИДА

Бутунжаҳон футбол ассоциациясининг Футбол қўмитаси аъзолари таркиби ўзгарди. Россиялик собиқ футбол жонкуяри Геннадий Логофет ўз юртининг ушбу қўмитадаги ягона вакили сифатида тарихга ҳам кирадиган бўлди.

Oramizdagi odamlar

ҚИШЛОҚ РАССОМИНИНГ ОЛАМИ

Ўқитувчи: — Чекиш зарар эканлигини билиб қўйинглар.

Ўқитувчи:— Ўқувчилар! Инсоннинг ташқи қиёфаси ҳам гўзал бўлиши керак.

Ўқитувчи:—Антарктидада совуқ бўлади
Ўқувчи:— Буни шу ерда ҳам ҳис қилаяпмиз.
М. БЕГМАТОВ чизган суратлар.

Зармитан — хазинатопарлар қўрғонидан озроқ юрилса, Бойтуб қишлоғи. Бир қарашда бу ернинг бошқа қишлоқлардан фарқи йўқдек. Айниқса, унинг ўзига хос табиати, баланд виқорли тоғларга бирлашиб кетган қиру адирлари, охири йўқдай чўзилиб кетган сўқмоқлари кўзни қувонтиради. Эҳтимол, Музаффарнинг қўлига мўйқалам тутқазган ана шу қишлоқ манзараларидир. Мусаввир яратган "Қувкалла", "Бойтубда баҳор", "Тоғдаги қишлоқ" каби асарларини томоша қилар экансиз, унинг саньатга ошуфта қалб эканлигига тан бермай иложингиз йўқ.

Ўқитувчи Музаффар Бегматов ёшликдан тасвирий саньатга меҳр қўйди. Ўрта мактабни битиргач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетига кириб ўқиди. Ғўзал Ўзбекистоннинг бетакрор манзаралари тасвирланган картиналарни музейларда, кўргазмаларда томоша қилгани сайин, унинг қалбида ана шу юрт чиройини тасвирлаш иштиёқи кучая борди.

Устозлари тўғрисида гап кетганда Ўзбекистон халқ рассомлари Малик Набиев, Абдумўмин Бойматов, Неъмат Абдуллаев, Адҳам Саидхўжаев, Икром Шоабдуллаев кабиларнинг меҳнатлари беқиёс эканлигини миннатдорлик билан сўзлайди. Айниқса, илк устози педагогика фанлари номзоди Эргаш Рўзиев унга катта сабоқ берганини яхши эслайди.

15 йилдирки, мусаввир-ўқитувчи Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 68-ўрта мактабда ёшларга тасвирий саньат сирларини ўргатиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан мактабда "Тасвирий саньат ва чизмачилик" кабинети, ўқувчилар бадиий маркази, ўқувчилар мўзейи ташкил қилинди. Музейдаги ўқувчилар томонидан яратилган ижод намуналари — расмлар, ҳайкаллар, кашталар ва наққошлик ишлари саньатга ва гўзалликка шайдолик рамзидир.

Устоз кўрган шогирд ҳар мақомга йўғаламаслигини ҳис этган Музаффар шогирдларига қаттиққўл ва талабчан. 1991 йилда Москвада ўтказилган "Халқ ижодиёти" фестивали совриндоридир. Унинг ҳажвий-график расмлари туман, вилоят, республика газета ва журналлари саҳифаларида тез-тез кўриниб туради. У республика тасвирий саньат муаллимлари уюшмаси аъзосидир.

Мусаввир ўқитувчи "Меҳнат шуҳрати" ордени ҳамда "Шарафли зиёкор" ва "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳибидир.

Дўстбек ЭШҚУЛОВ

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИШ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида, маънавият ва маърифат ишларини ривожлантириш борасида Президентимиз нутқларидан, асарларидан келиб чиққан ҳолда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Туман ҳокимлиги ҳамда маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамкорлигида ёшлар билан ишлаш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга жуда катта эътибор қаратилган. Жумладан, маданият ва жисмоний тарбия институтлари, вилоят педагогика билим юрти, Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда ўнга яқин касб-ҳунар коллежларида доимий равишда байрамона тадбирлар, мусиқий кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Туманнинг маънавият ва маърифат маркази дастурига мувофиқ яқинда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида туманда яшаб ижод этган ўзбек миллатининг фидойиси, қатағон йиллари қурбони бўлган Баҳром Ҳайдарийнинг юз йиллик хотира кечаси ўтказилди. Унда туманнинг кўплаб олим ва профессорлари, ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ҳам шоирнинг босиб ўтган серқирра ижодига юксак баҳо берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туман маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари билан учрашувлар ўтказиш, улар билан дилдан суҳбат қуришни мақсад қилишган. Бу ҳам Соғлом авлод йилида амалга оширилаётган асосий режалар сирасига киради.

Бахтиёр ХЎЖАЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги маънавият ва маърифат ишлари бўйича бўлим бошлиғи

МАНГУЛИК ТИМСОЛИ

Xotira

Мусиқамиз тарихи, қўшиқчилигимизнинг теран илдизлари узоқ-узоқларга бориб тақалади. Халқимиз орасида ўзининг ноёб истеъдоди, ширали овози билан донг таратган, танбур, дутор, доира каби чолғу асбобларини маҳорат билан чертиб, кишилар қалбини сеҳрлаган санъаткорлардан бири Қори Сирож Юсуповдир. 1900 йилда Самарқанд шаҳрининг Қози Абдурасул маҳалласида туғилган Қори Сирож Юсупов ўзининг ибратли умр йўллари давомида ижод қилиб ёзган "Озод", "Тараннум", "Мустаҳзод", "Қашқарча", "Ушшоқи ҳожи" каби куй ва мусиқаларини халқимиз севиб тинглайди. Машҳур ҳофиз, шашмақом илмининг зукко билимдони бўлган моҳир созанда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ҳам Қори Сирож Юсуповни энг яқин, истеъдодли шогирдларидан деб ҳисоблаган.

Ўша пайтда Қори Сирож, Ҳожи Абдулазизга шогирд тушиб, ундан мақом йўлидаги қўшиқларни жозибали ва ўйноқи куй оҳангларини ўрганиб олишни мақсад қилиб қўяди. Бунинг ҳосиласи ўлароқ, устозидан "Қари Наво", "Дилхирож", "Қадамлари", куйларини дуторда чалишни ўрганади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, созанданинг ижрочилик фаолияти 1920 йилларидан бошланади. Унинг бевосита ташкилотчилиги остида "Қўшховуз" маҳалласида ҳаваскорлик тўгараги ташкил қилиниб, бунга иқтидорли созанда ва хонандалардан Д.Зокиров, Н.Ҳасанов, Т.Содиқов ва бошқалар жалб этилади. Бундан ташқари "Бинокорлар" уюшмасидаги педагогика билим юртида мусиқа тўгараги очиб, кўплаб шогирдларни нафосат руҳида тарбиялайди.

Қори Сирож Юсуповни Ўзбекистон халқ артистлари Мардон Насимов, Насим Ҳошимов, Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, Манас Левиев, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Раббим Ҳамдамов, Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Фазлиддин Шаҳобов, Шароф Бобокалоновлар ўз устозлари деб эътироф этганлар.

У 1937-57 йиллар давомида Самарқанд мусиқали драма ва комедия театрида, 1957 йилдан то умрининг охиригача Самарқанд шаҳридаги марказий маданият ва истироҳат боғи мусиқа дастаси таркибида дуторчи сифатида фаолият кўрсатди. Ҳозирда созанданинг дуторда чалган "Дилхирож", "Қаландари", "Қашқарча", "Қари Наво" куйлари ёзилган тасмалар Республика радиосининг олтин фондида сақланмоқда. Шунингдек, Темирйўл туманидаги 4-сон мусиқа мактаби ва Боғишамол туманидаги собиқ Красноярск кўчасига Қори Сирож Юсупов номи берилган. 1989 йили у яшаган уй деворига унинг ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган хотира лавҳаси ўрнатилди.

Ҳа, хотира муқаддас. Қори Сирож ота Юсупов ёзиб қолдирган куй-қўшиқлар севиб тингланмоқда ва ўрганилмоқда. Моҳир созанда бу дунёда ўзининг ибратли умри билан ўчмас из қолдирди. Бу ном абадийдир. Негаки унинг минглаб ихлосмандлари бор.

Э. МАҲМУДОВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Беҳбуд БОТИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-1017. Тиражи 18.608.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.